
Ободликдан яшнаган манзиллар

Фарғона вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшашларини кафолатлаш, вилоятимизда коммунал хизмат кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантириш йўлида изчил саъйи-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, "Обод қишлоқ" дастурига асосан, Тошлоқ туманининг Фурқат маҳалласидаги кўп квартирали уйларнинг архитектуравий қиёфасини яхшилаш, атроф ҳудудини ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Дастурда белгиланган таъмирлаш-тиклаш ишларини сифатли ҳамда тезкорлик билан амалга ошириш юзасидан Фарғона вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи А.Мадаминов тумандаги мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

Маълумот учун: Тошлоқ тумани ҳудудида 47 та кўп квартирали уйлар мавжуд бўлиб, уларга 3 та хусусий уй-жой мулкдорлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

2021-07-27 18:49:00